

Рисолат ва нубувват ила ваҳий тушишининг бошланиши



21:16 / 15.12.2017 4705

2729. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга ваҳийдан биринчи бошланган нарса уйқудаги ҳақ туш бўлди. У зот қандай туш кўрсалар, албатта, худди тонг ёруғидек, аниқ ўнгидан келар эди.

Сўнгра у зотга холи қолиш маҳбуб бўлиб қолди. Ҳиро ғорида холи қолиб, аҳллари олдига тушишдан олдин бир неча кеча таҳаннус (яъни ибодат) қилар эдилар. Ўз аҳлларига қайтишдан олдин бир неча кечани ибодат ила ўтказар эдилар. Бунинг учун зоди роҳила ғамлаб олар эдилар.

Сўнгра Ҳадийжанинг олдига қайтиб, яна ўшанчага етарли зоди роҳила ғамлаб олар эдилар. У зотга ҳаққ (Жибрийл) келгунича шундай бўлди. У зот Ҳиро ғорида эдилар.

(У зот дедилар:) **«Шунда фаришта келиб:**

«Ўқи!» деди.

«Мен ўқувчи эмасман», дедим.

У мени тутиб, сиқди. Ҳаттоки менга қийинлик етказди. Сўнгра мени қўйиб юборди ва:

«Ўқи!» деди.

«Мен ўқувчи эмасман», дедим.

У мени иккинчи марта тутиб, сиқди. Ҳаттоки менга қийинлик етказди. Сўнгра мени қўйиб юборди ва:

«Ўқи!» деди.

«Мен ўқувчи эмасман», дедим.

У мени учинчи марта тутиб, сиқди. Ҳаттоки менга қийинлик етказди. Сўнгра мени қўйиб юборди ва: «Яратган Роббинг номи билан ўқи! У инсонни алақдан яратди. Ўқи! Роббинг ўта карамлидир» деди.

Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша(оят)лар ила қалблари титраб-қақшаб қайтдилар ва Ҳадийжа бинту Хувайлид розияллоҳу анҳонинг олдига кирдилар-да:

«Мени ўраб қўйинглар! Мени ўраб қўйинглар!» дедилар.

Бас, у зотдан қўрқинч кетгунча ўраб қўйдилар. Кейин у зот Ҳадийжага хабарни айта туриб:

«Ўзимга бир нарса бўлмаса эди, деб қўрқдим», дедилар.

Шунда Ҳадийжа:

«Ундай эмас! Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сизни ҳеч қачон шарманда қилмайди. Албатта, сиз силаи раҳм қиласиз. Заифга ёрдам берасиз. Одамлар қилмаган яхшиликларни қиласиз. Меҳмонга зиёфат берасиз. Ҳақ (йўли)да фалокатга учраганларга ёрдам берасиз», деди.

Сўнгра Ҳадийжа у зотни олиб, Варақа ибн Навфал ибн Асад ибн Абдулуззо Ҳадийжанинг амакисининг ўғлининг олдига борди. У жоҳилият даврида насронийликка кирган одам эди. Иброний китоб ёзар эди. Инжилдан ибронийчасига Аллоҳ ёзишини хоҳлаганини ёзар эди. У кўзи ожиз бўлиб қолган қари чол эди. Бас, Ҳадийжа:

«Эй амакимнинг ўғли! Биродарингизнинг ўғлини бир тингланг!» деди. Варақа у зотга:

«Эй биродаримнинг ўғли, нима кўрмоқдасан?» деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари кўрган нарсанинг хабарини айтиб бердилар.

Варақа у зотга:

«Бу Аллоҳ Мусога нозил қилган «Номус»дир. Эҳ! Қани энди, қавминг сени ҳайдаб чиқарганда бақувват бўлсам эди! Қани энди, тирик бўлсам эди!» деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мени улар ҳайдаб чиқарурларми!?» дедилар.

«Ҳа! Қайси бир киши сен келтирган нарсани келтирса, душманликка учрайдир. Сенинг ўша кунингга етсам, албатта, сенга қўлимдан келган ёрдамни берурман», деди.

Кўп ўтмай, Варақа вафот этди. Ваҳий узилиб қолди».

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Ҳадис ва ҳаёт китобидан)